2015 ЙИЛ 11 МАРТ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 59 (12.872)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Юртимизда миллий ҳунармандчилик, халқ амалий санъати анъаналари асрлар давомида ривожланиб, сайқал топмоқда. Мустақиллик йилларида халқ амалий санъати ва миллий ҳунармандчилигимиз юксалишнинг янги поғонасига кўтарилди. Ҳозирда мамлакатимиз уста-ҳунармандлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми ортиб бораётир. Улар йилига 40 хилдан зиёд маҳсулот тайёрламоқда. Маҳсулотларнинг сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Миллий ҳунармандчилик

ЖИЛОСИ КЎЗНИ ҚУВНАТАДИ

Мамлакатимиз ҳунармандларининг миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш, анъаналаримизни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш, уларни аждодларимиз меросига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатлари, юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли бунёдкорлик ишларига қўшаётган ҳиссалари муносиб баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Зиннатулла Алимбоев ўз меҳнати орқасидан ҳурмат ва обрў-эътибор топган усталардан. Тошкент давлат техника университети (илгариги политехника институти)да ўқиб юрган кезларида устачилик билан шуғулланадиган синфдошининг ёғоч қутича ясаётганини кўрган Зиннатулла ёғоч ўймакорлигига қизиқиб қолди. Шундан сўнг шу касбга кўнгил қўйди, унинг сир-асрорларини йиллар давомида пухта ўзлаштириб, ҳақиқий уста даражасига кўтарилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

Тошкентда Ўзбекистон ва Ҳиндистон фармацевтика компаниялари вакилларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик фармацевтика тармоғида ҳам изчил ривожланиб бормоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонуни мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган товарлар турини кенгайтириш ва соҳа корхоналарининг экспорт салоҳиятини юксалтиришга доир самарали чора-тадбирлар амалга оширилаётир. «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни бу борада алоҳида ўрин тутмоқда. Концерн томонидан дори-дармонлар, биопрепаратлар ва ташхис ускуналарини ишлаб чиқариш кенгайтирилиб, аҳолини зарур доривор препаратлар билан таъминлаш тизими ривожлантирилмоқда.

Ўзбекистон фармацевтика компаниялари вакиллари мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги салоҳияти ҳақида сўз юритди. Юртимизда 1150 га яқин турдаги доривор ўсимликлар ўсади. Ана шу доривор ўсимликлардан 1400 дан ортиқ замонавий дори-дармон воситалари ишлаб чиқарилаётир. Ушбу йўналишда фаолият кўрсатаётган саккизта илмий-тадқиқот институти олимлари янги препаратлар яратиш устида ишламоқда. Бу эса ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириш, маҳаллий препаратлар тайёрлашни кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Соҳага инвестициялар жалб этилаётгани самарасида дори-дармон ва тиббиёт ускуналарини ишлаб чиқариш муттасил кенгайиб бормоқда. Хусусан, 2014-2016 йилларга мўлжалланган инвестиция дастури доирасида элликдан ортиқ бизнес-лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон фармацевтика компаниялари Германия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Россия, Туркия, Польша, Болгария, Чехия ва бошқа мамлакатларнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳиндистон ишбилармонлари Ўзбекистон фармацевтика саноатида эришилаётган ютуқларни юқори баҳолади ва бу борадаги ўз тажрибаси билан ўртоқлашди.

– Ушбу бизнес-форумнинг ўтказилиши ҳар икки мамлакат учун катта аҳамиятга эга, – дейди Ҳиндистон фармацевтика воситалари экспортини ривожлантириш кенгашининг (Pharmexcil) минтақавий директори Абхай Сингх. – Биз тажриба алмашишдан ташқари, келажакдаги ҳамкорлик йўналишларини ҳам белгилаб олдик.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

Сайлов — 2015

КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг элчи Каетана де Зулуета раҳбарлигидаги кузатувчилари миссияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Светлана Ортиқова мустақиллик йилларида Ўзбекистонда халқаро сайлов стандартларига мувофиқ демократик сайловлар ўтказиш борасида катта тажриба тўпланганини таъкидлади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи кафолатларини янада мустаҳкамлаш, сайловларни ташкил этиш бўйича миллий амалиётни яхшилашга йўналтирилган сайлов қонунчилиги мунтазам такомиллаштириб борилмоқда.

Меҳмонлар парламент юқори палатаси фаолияти билан ҳам таништирилди.

Мамлакатимизда ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларига бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш механизмлари изчил мустаҳкамланаётгани, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизими такомиллаштирилаётгани, марказда ва жойларда вакиллик ҳокимияти ваколатлари ва назорат функциялари кенгайтирилаётгани таъкидланди. Чунончи, демократик ўзгаришлар парламентнинг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги роли ва аҳамиятини оширди, унинг давлат ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ҳамда амалга оширишдаги мавқеи ва имкониятларини кучайтирди.

Ўз навбатида ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси раҳбари Каетана де Зулуета Сенатдаги самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, бўлажак сайловлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлишини қайд этди.

* * *

Худди шу куни ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси кузатувчилари миссияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Бахтиёр Мирбобоев билан учрашди.

Учрашувда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аҳамияти қайд этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишлар ҳақида фикр юритилди. Ушбу ўзгартишларга мувофиқ, сайловни ташкил этиш ва уни ўтказиш учун масъул конституциявий орган сифатида Марказий сайлов комиссияси мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатлари сезиларли равишда мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг норма ва талабларига тўла мувофиқ ҳолда ўтаётгани алоҳида қайд этилди.

Меҳмонлар Конституциявий суд фаолияти, жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижалари билан таништирилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

САЙЛОВГА ОИД МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Кеча Юнусобод ва Яккасарой туманларида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари иштирокида ҳудудий семинар-тренинг ўтказилди.



Семинар-тренинг тадбирларида Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, Марказий сайлов комиссияси экспертлари, Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари, Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат ва нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси вакиллари ва бошқалар иштирок этиб, маърузалар қилишди, тадбир иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар беришди.

Тадбирларда участка сайлов комиссияларининг сайловчиларнинг рўйхатини тузиш, сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништириш, сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда қатнашиш имконияти бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиш, сайлов ўтказиладиган кун ва овоз бериладиган жой ҳақида аҳолини хабардор қилиш, овоз бериладиган бинолар ва сайлов қутиларининг тайёрлаб қўйилишини таъминлаш, сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этиш, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни уюштириш масалаларига доир ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги атрофлича изоҳланди.

— Туманимизда ташкил этилган бу тадбир орқали сайлов жараёнида участка сайлов комиссияларининг муҳим ўрни, унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда фаолияти юзасидан ўз малакамизни янада оширишга муваффақ бўлдик, — дейди Яккасарой туманидаги 638-участка сайлов комиссияси раиси Умида Йўлдошева. — Аминманки, бунда олган билим ва кўникмаларимиз ишимизни қонун талаблари асосида янада такомиллаштириш ҳамда сайлов жараёнини юқори савияда ўтказишга катта ёрдам беради.

Семинар-тренинг якунига кўра, сайловни юқори савияда ўтказиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ёшлар ижод саройида «Суғурта — болалар нигоҳида» мавзуида расмлар танловининг кўргазмаси ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** «Ўзбекистон» меҳмонхонасида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг амалга оширилиши устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзуида республика анжумани бўлиб ўтади.

✓ **12-13 МАРТ** кунлари пойтахтимизда «Банк хизматлари ускуналари ва технологиялари VIII BANKEXPO-2015» миллий кўргазмаси очилади.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 3-Бухоро округ сайлов комиссиясида сайлов жараёнларини кузатиш учун мамлакатимизга келган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг элчи Каетана де Зулуета раҳбарлигидаги кузатувчилари миссияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

● Қашқадарё вилоятида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик марказининг 2012-2015 йилларга мўлжалланган «Ўзбекистон ОАВнинг оила институтини мустаҳкамлаш масалаларини илгари суриш бўйича салоҳиятини ошириш» лойиҳаси доирасида «Оналар ва болалар соғлиғини ҳимоя қилиш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

● Нукусда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, имом-хатиблар, профилактика инспекторлари, ўрта махсус таълим муассасалари директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари иштирок этди.

● «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилаётган «Камолот» шахмат тахтаси» республика турнирининг Бухоро вилояти босқичи якунланди. Ғолиблар турнирнинг мамлакат босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

ЖАҲОНДА

● Норвегиянинг Norwegian авиакомпанияси учувчиларининг учувчилар касаба уюшмаларининг авиакомпания раҳбарияти билан меҳнат шароитлари бўйича келишолмаганликлари туфайли иш ташлаганликлари натижасида компаниянинг Норвегия ва Швецияга деярли барча парвозлари бекор қилинди.

● Ватикан бундан беш юз йил аввал Уйғониш даврининг буюк мусаввири Микеланжело имзо қўйган ва архивдан 20 йил муқаддам йўқолган хатни қайтариш учун тўлов пули сўрашаётганлигини маълум қилди. Ватикан вакилининг сўзларига қараганда, номаълум кишилар ушбу ноёб мактубни катта пул эвазига қайтаришни таклиф қилганлар. Мактубнинг ўғирланганлиги сабабли Ватикан битимдан воз кечган.

● Дунёга машҳур «Goal.com» сайти бугунги кундаги 20 нафар энг бойбадавлат футболчилар рейтингини эълон қилди. Ушбу рўйхатни 210 миллион евро билан Испаниянинг «Реал» жамоасининг етакчи футболчиси Криштиану Роналду бошқариб турибди. Кейинги икки ўринда эса «Барселона» (Испания) клубининг аргентиналик ва бразилиялик ҳужумчилари Лионель Месси ҳамда Неймар бормоқда.

29 март — сайлов куни

Юртимизда демократик сайлов тизимининг шакллантирилганлиги сайловларни кўппартиявийлик асосида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов қонунчилиги талаблари ҳамда халқаро меъёрларга амал қилган ҳолда, очиқлик ва ошкоралик шароитида яширин овоз бериш орқали, умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи принципларига тўла мувофиқ тарзда ўтказиш имкониятини бермоқда. Бунга кейинги йилларда мамлакатимизда давлат ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтган сайловлар ҳамда уларнинг амалий якунлари ёрқин далилдир. Сайлов натижалари халқимизнинг ижтимоий онгида чуқур ўзгаришлар рўй берганлиги, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражаси беқиёс ўсганлигини намоён этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган Низом ва Йўриқномалар муҳим ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистонда мавжуд сайлов қонунчилиги ҳеч шубҳасиз, халқаро сайлов стандартларига тўла мос келади. Мазкур халқаро стандартларга 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт», 1990 йилги Копенгаген анжумани ҳужжатлари, Парламентлараро иттифоқ Кенгашининг 1994 йилда қабул қилган «Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларацияси» ва бошқа халқаро ҳужжатларни санаб ўтишимиз мумкин.

Ҳозирги кунда деярли барча давлатларда Конституция – сайлов қонунчилигининг пойдевори ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси ҳам сайлов қонунчилигининг мустаҳкам ҳуқуқий негизидир. Сайлов тизими деб номланган унинг 117-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар», деб белгилаб қўйилган.

Бу нормаларнинг Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилиши фуқароларимизнинг сайловларда ўз сайлов ҳуқуқларини эркин ва ихтиёрий амалга оширишларида муҳим ҳуқуқий кафолатларни таъминлаб беради.

Конституциямизнинг 32-моддасида, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади, деган қоида мустаҳкамланган.

Дарҳақиқат, фуқароларнинг ушбу демократик йўналишлардаги фаоллиги охирги йилларда бўлиб ўтган сиёсий – ижтимоий жараёнларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Қолаверса, Конституциямизнинг сайлов ҳуқуқига тегишли яна бир – 60-моддаси эътиборга лойиқдир. Унда,«Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар», деб қайд этилган. Зеро, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда мавжуд 4 та сиёсий партиядан кўрсатилган номзодлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг сайловолди ташвиқотларида фаол иштирок этмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасига кўра, сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилишлари ҳақидаги норма мустаҳкамланган.

Мазкур нормага мувофиқ фуқаролар сайлов жараёнига оид юқорида келтирилган маълумотлардан хабардор бўлиб боришлари натижасида улар сайлов жараёнининг қонуний ташкил этилганлигини ва ўтказилаётганлигини билиб борадилар ва сайлов жараёнида қонунийлик таъминланаётганлигининг гувоҳи бўладилар.

Шунингдек, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга. Демак, мазкур кузатувчилар ёрдамида ҳам сайлов жараёнининг сайлов қонунчилиги доирасида ташкил этилганлиги ва фаолият юритаётганлиги аниқланади. Натижада, сайлов жараёнида қонунийлик ва ошкоралик таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминловчи сайлов принциплари, сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби, сайловолди ташвиқотларда фуқароларнинг иштироки, сайловчиларнинг овоз бериш ҳуқуқларини кафолатлаш каби муҳим қоидалар мустаҳкамланган. Ушбу қонун фуқароларимизнинг ўз сайлов ҳуқуқларидан самарали фойдаланишларида асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари бевосита таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан Марказий сайлов комиссияси фаолиятини тартибга соладиган «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги алоҳида қонун қабул қилинган. Ушбу қонун Марказий сайлов комиссияси фаолиятини ташкил этиш, вазифаларини амалга оширишдаги асосий принциплар, сайловларни ўтказишдаги ваколатлари каби муҳим қоидаларни мустаҳкамлаб қўйган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2014 йил 16 апрелдаги Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига мустақил конституциявий орган мақомининг берилиши мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловларнинг янада демократик тарзда ташкил этилишига, фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланишдан иборат конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим ҳуқуқий кафолатни таъминлаб беради.

Кўплаб ривожланган демократик давлатларда сайловлар ижро этувчи ҳокимият органлари – Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги каби вазирликлар томонидан ташкил этилади. Шундан ҳам кўриш мумкинки, бизнинг мамлакатимизда сайловлар жараёнини ташкил этиш ва ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган; сайловлар ҳамда референдумларни ўтказувчи, доимий фаолият юритувчи, энг асосийси, мустақил сайлов органининг мавжудлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 146, 147-моддаларида, сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакиллар ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш каби ҳаракатларга тегишли жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган.

Мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг тадрижий давоми сифатида 2014 йил 4 сентябрда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Маъмурий-жавобгарлик тўғрисидаги кодексига «5¹ боб – Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик» номли боб киритилиб, сайлов қонунчилигини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб қўйилди.

2010 йил 12 ноябрда Юртбошимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш» Концепциясида сайлов қонунчилигини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилган эди.

Шу асосда, 2014 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича тегишли Низом, Йўриқномаларга Марказий сайлов комиссияси Қарори билан тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳам сайлов қонунчилигимизнинг янада эркинлашаётганлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида таъкидлашимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида фуқароларимиз сайлов қонунчилигида мустаҳкамланган ўз сиёсий ҳуқуқларидан самарали фойдаланадилар, шу орқали ўзларининг ижтимоий - сиёсий фаолликларини намоён этадилар.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Тошкент Давлат юридик университети доценти



ЖИЛОСИ КЎЗНИ ҚУВНАТАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Моҳир ҳунармандларнинг айтишича, ҳар бир устанинг ўз йўналиши, ўзининг қўли бўлади. Тошкент мактаби намоядаси Зиннатулла ака кейинги йилларда ёғоч билан керамикани уйғунлаштириб, янги ижод намуналари яратмоқда. Бу асарлар хона ҳароратида минг йил ҳам туради. Уста коллекциясида китоб қўйиладиган турлича лавҳлар, пластик карточка учун ғилофлар, турли-туман ёғочли паннолар, ёнғоқдан яратилган лаганлар каби ўймакорликка тегишли буюмларни кўриш мумкин.

Бугун устанинг ишлари нафақат мамлакатимиз, балки Германия, Франция, АҚШ каби хорижий давлатларда ўтказилаётган кўргазма ва ярмаркаларда муваффақиятли намойиш этилмоқда. 2013 йилда меҳнати муносиб баҳоланиб, Президентимиз Фармонига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» фахрий унвони берилди.

Айни пайтда З.Алимбоев ўймакорликни кулолчилик билан уйғунлаштирган ҳолда, янги йўналишда меҳнат қилмоқда. Бой тажриба тўплаган бўлишига қарамасдан, таниқли халқ усталаридан косиблик сир-асрорларини ўрганишни давом эттирмоқда. Ўймакорлик йўналишида янги ёндашувлар устида изланмоқда. У иш қуролларини ўзи тайёрлайди. Уста санъат асарларини яратишда тузилиши, ранги ва пишиқлиги билан ажралиб турадиган ёнғоқ, чинор, қайрағоч ва тут дарахтларидан материал сифатида фойдаланади.

Миллий ҳунармандчилик ривожида «уста-шогирд» анъаналари муҳим аҳамият касб этади. Зиннатулла ака нафақат ажойиб уста, балки сал кам қирқ йиллик фаолияти давомида йигирмадан зиёд шогирд тайёрлаган меҳрибон устоз ҳамдир. Уларнинг аксарияти ҳозирда мустақил уста сифатида фаолият юритиб, халқимиз хизматида. Анвар Алимбоев, Музаффар Қурбонбоев каби шогирдлари тайёрлаётган бежирим буюмлар санъат ихлосмандларининг кўзини қувонтириб, ҳамюртларимиз ва чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мисол учун, Анвар тайёрлаётган ўзида ёғоч ўймакорлиги ва нақшошлигини мужассам этган кичик ҳажмли, совғабоп эшиклар кўпларга манзур бўлаётир. Икки табақали бу маҳсулот деворга илиб қўйилади, унинг ичига ойна ёки миниатюра асарини жойлаштириш мумкин.

— Уста яратган бетакрор асарларни кўриб, бу соҳага қизиқишим ортган, – дейди Анвар Алимбоев. – Устозим бизга ҳалол ишлаб, халқ хизматида бўлишни уқтирадилар. Ҳалоллик бор жойда барака бўлади. Насиб қилса, келажакда устозимдек катта уста бўламан.

— Жияним Анвар ўн ёшидан буён ўймакорлик сирларини ўрганмоқда,- дейди З.Алимбоев. - Устоздан ўтмаган шогирд шогирдмас, деганларидек, у мендан ўзиб кетмоқда. Ҳозирда майда ишларни қила олмайман, кўзим толиқади. У эса ҳаммасини бажаради, бажарганда ҳам чин дилдан, кўнгилдан чиқади. Баъзи ижод намуналаримиз ўн йиллаб туради, баъзида эса битмасдан харидор чиқади. Шунинг учун бугун ижодий ишимни шунчага сотиб, бунча даромад оламан деган ўйдан узоқда бўламиз. Кўп ҳолларда буюртмалар ҳам бўлади. Ҳар қалай, меҳнатимиз, ҳунаримиз ортидан тўйлар қилиб, рўзғоримизни тебратяпмиз.

Асрлар оша яшаб келаётган миллий ҳунармандчилик санъати ҳозирда ҳам миллий қадриятларимизнинг муҳим манбаи даражасига кўтарилиб, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадини ошириш имконини бераётир. Ҳунармандни халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам эъзозламоқда.

Зиёда ВОҲИДОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат муҳитини асраш шу заминда яшаётган ҳар бир инсон, фуқаронинг муқаддас бурчидир. Ана шу омиллар туфайли мамлакатимиз тараққий этиб, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгалламоқда. Халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора юксалиб, ҳар биримизнинг қалбимизда юксак орзу-умидлар, келажакка катта ишонч мустаҳкамланди.

Наврўз — 2015

ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Тинчлик-осойишталик бор жойда қанча хурсандчилик, қанча байрам қилса ярашади. Наврўз шукуҳи кезиб юрган шу кунларда халқимиз баҳорнинг бу гўзал байрамини хуш кайфият билан кутиб олишга катта ҳозирлик кўраётир. Бунда давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 февралдаги «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Тошкент шаҳрида ҳам Наврўз айёмига тайёргарлик авжида. Кўча ва хиёбонлар, маҳаллаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилган. Байрамнинг осудаликда, кўнгилдагидек ўтиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ўзаро ҳамкорликда зарур чора-тадбирларни амалга ошираётир.

– Жамиятимиз барқарорлигида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, яъни профилактика институти самарали йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда, – дейди Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, майор Ўктам Раҳматов. – Зеро, жиноятчиликка қарши курашишдан кўра унинг олдини олиш афзаллиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бу тамойилнинг кундалик турмушимизга чуқур сингдириб борилаётгани туфайли жамият муҳити соғломлашиб, қонунбузарликлар тобора камайиб бормоқда.

Пойтахтимиздаги мавжуд 475 милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида кўплаб маҳаллаларда биророта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Милиция таянч пунктлари атрофида турли тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилгани ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам бериб, ишлар самарадорлиги ошишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётир.

Бу жараёнда профилактика инспекторларининг маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Соҳа ходимларининг маҳалла оқсоқоли, хотин-қизлар қўмитаси, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, яраштириш комиссияси ҳамда посбонлар билан ҳамжиҳатликда аҳоли ўртасида профилактик тадбирлар ўтказаётгани натижасида учраётган муаммолар жойида, тезкорлик билан ҳал этилаётир.

Наврўз айёми олдидан шу йўналишдаги ишлар янада кучайтирилди. Айни пайтда ҳар бир туман ва маҳаллада ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш мавзуларидаги учрашувлар шулар жумласидандир. Бу каби ишлар мунтазамлик касб этаётгани туфайли одамларимиз онгида фарзандини, ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш туйғуси янада мустаҳкамланаётир.

Бундан ташқари, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик борасида доимий рейдлар ўтказилмоқда. Жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида бу борадаги қоидаларга риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш билан бирга, тегишли идоралар билан ҳамкорликда хонадонлар, ташкилот ва корхоналарда текширишлар ўтказилди. Наврўз сайиллари ўтказиладиган жойлар ва уларнинг атрофида жойлашган масканларнинг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди. Натижада ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган фуқароларга тегишли тартибда жарима қўлланилди. Байрам тантаналари бўлиб ўтадиган майдонлар ва истироҳат боғларида ёнғин хавфсизлиги чоралари кўрилиши билан бирга уларнинг барчасида соҳа ходимларининг навбатчилиги ташкил этилган.

Байрам кунлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, светофор ва йўл чизиқларини янгилаш юзасидан салмоқли ишлар бажарилди. Энг муҳими, кенг, равон ва чиройли кўчаларимизда ҳаракатланаётган автомобиль ҳайдовчилари томонидан содир этилаётган қоидабузарликлар тобора камаймоқда. Шу билан бирга, шаҳримизга ўқотар қуроллар, портловчи ва гиёҳванд моддаларнинг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида йўл-патруль хизмати масканларида автотранспорт воситалари қатъий текширувдан ўтказилаётир.

Шунингдек, хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли «Тозалаш» тадбири уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Тадбир давомида аниқланаётган ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётир.

Қайд этиш жоизки, юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш нафақат ички ишлар идоралари ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шундай экан, яқинлашиб келаётган Наврўз байрамининг кўнгилдагидек ўтиши учун барча бирдек масъул эканини унутмайлик.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Учтепа тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

УЧТЕПА ТУМАНИДА 2015 ЙИЛ УЧУН ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 353-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 йил № 7, 40-модда) ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «ишсиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Учтепа туманида 2015 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига:

иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш берувчилар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ва иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан,

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кун муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ж.Ахунжанов):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Учтепа туман ҳокимининг 2014 йил 16 январдаги «Учтепа туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш тўғрисида»ги 33-сонли қарори ўз кучини йўқотганлиги инобатга олинсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Элтоев зиммасига юклансин.

Учтепа туман ҳокими
А.Досмухамедов

2015 йил 14 январь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ЧУҚУР ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТКАЗИЛДИ

Юртимизда нуроний отахонлару онахонлар ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида Кексаларни эъзозлаш йилида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Яшнобод туман тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан туманда яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган нуроний отахонлару онахонлар, кексалик гаштини сураётган фахрийлар оилавий поликлиникаларда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Эътиборлиси, ўзгаларнинг ёрдамига муҳтож кексаларга уй шароитида шифокорлар томонидан тиббий хизмат кўрсатилди.

Бу каби тадбирлар пойтахтимизнинг ҳар бир туманида уюштирилмоқда.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ

Қадрли муштарийлар! Сизлар билан «Хатлар — ҳаёт ойнаси» саҳифаси орқали ғойибона яна дийдор кўришганимиздан беҳад миннатдормиз.

Мана ўлкамизга гўзал баҳор фасли кириб келди. Бутун борлиқ яшилликка, гулу чечакларга бурканиб, гўёки сулув келинчак олам аро ўз сепини ёйди.

Азалдан халқимиз баҳор келиши билан озодалик, ободлик, покизалик юмушларига шайланади, ҳашарлар уюштириб бутун атрофни саранжом-саришта қилишга, гулу дарахтлар ўтқазиб, байрамларни ёруғ юз билан кутиб олишга интилади.

Ўтган вақт давомида сиз азизлардан, вилоятлардан ҳам турли мавзуларда гоҳ суюниб, гоҳ куйиниб, гоҳида эса аччиқроқ тарздаги хат-хабарлар олдик. Хатларни варақлар эканмиз, ҳамшаҳарларимизнинг дил номалари шу юртга дахлдорлик ҳисси билан тўлиб-тошганидан қувондик, эришаётган ютуқларимиз билан бирга эътиборли, янада масъулиятли бўлишимиз кераклигини, айниқса эртамиз эгалари бўлган болажонларимиз тарбиясига кўпроқ вақт ажратишимиз лозимлиги, агар ҳозир бу ишга чуқурроқ ёндошмасак эртага кеч бўлиши, бундан кўпроқ ўзимиз азият чекишимиздан ташвишда эканингизни тушундик.

Сизнинг қимматли маслаҳатларингиз, қалб кечинмаларингиз битилган мактубларни бундан кейин ҳам кутиб қоламиз. Бизга мактублар ёзинг, 233-29-55 телефон рақамига қўнғироқ қилинг!

Миннатдорчилик

ҚЎЛИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Болажон халқимиз. Фарзандларимизнинг соғ-омон, ёнимизда, дард кўрмасдан ўйнаб-кулиб юришлари учун боримизни беришга тайёрмиз.

Қизим Зулфиянинг томоқ хасталигидан азоб чекишини кўриб, бормаган жойимиз қолмади, шифокорга ҳам, табибга ҳам қайта-қайта даволатдик. Натижа бўлмади, муолажалар ёрдам бермади. Таваккал қилиб Тошкентга йўл олдик. Тошкент Тиббиёт академиясининг 3-клиникаси шифокори Қобилжон Рўзматовнинг саъй-ҳаракати, бўлим мудири Олимжон Қосимов ва уларнинг устозлари Нигорахон Абдуллаеваларнинг маслаҳатлари ва тўғри ташхис қўя олганлари туфайли жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, қизим оёққа турди. Неча йиллик азоб-уқубатлар ортда қолиб у фарзандлари, оиласи бағрига соғ-омон қайтди.

Халқимизда бир ибратли нақл бор: олтин олма, дуо ол. Биз ҳам оиламиз номидан қўли енгил, ўз ишининг устаси, инсонларнинг оғирини енгил қилишни ҳаётининг мазмуни деб биладиган фидойи шифокорлар борлигидан кўксимизда фахр-ифтихори туйган ҳолда уларга самимий миннатдорчилик билдирмоқчимиз. Кўлингиз асло дард кўрмасин, оқ халатингизга ғубор қўнмасин, азизлар!

Абдулҳамид АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти, Косонсой тумани,
Испорон қишлоғи

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили



Умр — оқар сув, киприк қоққунча ўтиб кетади, дейишади. Ёшликда бу гапларнинг мағзини чақа олмасмиз, лекин вақт ўтгани сари ҳаёт сабоғи орқали бундай гаплар, мақол-маталлар замирида катта мазмун, теран фалсафа, умрни беҳуда ўтказмасликка бир чорлов бор эканини тушуниб бораверамиз.

ҚАРИСИ БОР УЙНИНГ ПАРИСИ БОР

Инсон борки, ўзидан ҳамиша яхши ном қолдириш учун яшайди. Бу ўй-фикр одамзодни куч-қувватга тўлган ёшлик даврида ҳам, кексайган чоғида ҳам тарк этмайди. Шундай экан, бугун ҳар бир жабҳада эришаётган ютуқларимиз замирида мўътабар кексаларимизнинг хизматлари катта эканлигини унутмаслигимиз, уларнинг дуоларини олишга интилишимиз керак. Одамийликнинг энг яхши фазилати ҳисобланмиш кексаларнинг хизматига камарбаста бўлишдек хайрли ният бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Уйингизда кексайиб қолган отангиз ёки онангиз борми? Ҳар куни эрта тонгда туриб уларнинг ҳол-аҳволини ширин калом билан, юзингизда, кўзингизда меҳр билан сўранг, уларнинг дуоларини олинг. Токи ишга, ўқишга шошдим, фарзандлар ўй-ташвиши билан озгина вақт ажратолмадим, бир чимдим меҳр беришга имконим бўлмади деган оғриқли армон сизни кейинчалик безовта қилмасин.

Фарзанди камоли, бахти учун дуода бўлган кекса ота-онаси, бобою бувиси бор кишилар дунёдаги энг бахтли, энг бой инсонлар экан. Ота-онангиз сизга дуода бўлганда, фаришталар ҳам умри-жонингизга, молу давлатингизга барака тилаб тураркан. Ҳеч биримизни мана шу бахтдан бенасиб этмасин. Қариси бор уйнинг париси бор, деб бежизга айтилмаган. Уйимиздан фаришталар четлаб ўтмаслигини тилаб қоламиз.

Акс садо

МАЪНАВИЯТИМИЗГА ЗИД ҲОЛАТЛАРГА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК

Яқинда «Оқшом» газеталарида Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Тошкент шаҳрида Интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинди. Ушбу қарорлар кенг жамоатчилик эътиборини тортди. Ўтган вақт давомида газетхонларимиздан бу борада кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Фотиҳ АСҚАРОВ,
Ҳувайдо номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси:

— Бир яқин дўстимнинг фарзандлари тарбияси, одоб-ахлоқига ҳамиша ҳавас қилар, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатар эдим. Яқинда нима бўлдию ўша дўстимни ташвишли ҳолда кўриб тинчликми, дея, ҳол-аҳвол сўрадим. Нимасини айтасиз, деди у куйиниб, набирам анча қулоқсиз чиқиб қолди, эртаю кеч компьютерхонадан бери келмайди. Мен ҳам қизиқиб кўрдим, қани у ердан нима топди экан деб. Эҳ-ҳей, бу жангари фильмлар дейсизми, шафқатсизликни тарғиб қилувчи кинолар дейсизми, ҳаммасидан сероб экан.

Худди шу кунларда «Оқшом» газеталарида жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларнинг, маънавиятимизга зид бўлган ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шаҳар ҳокимининг бир эмас, иккита қарори эълон қилингани ҳақида айтиб қолишди. Маҳалламиз фаоллари билан биргаликда ушбу қарорларни ўқиб, танишиб чиқдик. Жуда тўғри ва вақтида қабул қилинибди, деган хулосага келдик.

Албатта бу билан биз ҳеч ким интернет хизматидан фойдаланмасин, компьютерни ўрганмасин демоқчи эмасмиз. Чунки ахборот асрида яшаяпмиз. Ўғил- қизларимизнинг давр билан ҳамнафас бўлишлари, ўқиб-ўрганишлари фойдадан холи бўлмайди. Лекин ҳамма ёшларимиз ҳам ушбу хизматлардан мақсадли фойдаланяптими, деган савол туғилади. Уларни керак бўлса ҳамиша назорат қилишимиз керак. Қачонки уларнинг миллий ва маънавий олами ақл-идрок, одоб-ахлоқ, юксак тасаввур ва тафаккур билан бойигани ўзлари ним яхшию, нима ёмонлигини ажратиб оладилар. Унгача биз уларнинг ёнида бўлишимиз, яқин дўст, меҳрибон бувию бува, ширинсўз тарбиячи бўлиб иш олиб боришимиз керак.

Фикримни яқин дўстимнинг набираси ҳақида куйинчаклик билан билдирган гаплари билан бошлаган эдим. Дўстим яқинда яна аввалгидай мамнун кўриниб қолди.

— Хайрият, набирам ўзининг хато қилмишини тушуниб етди. Унгача «ишонганим сен ўзинг болажоним», деб фақат панд-насиҳат, ширин сўз билан ёнида бўлдим, дейди. Қаранг, «Яхши сўз — жон озиғи» деган мақол бежизга айтилмаган экан. Буни биз ҳам унутмаган ҳолда яхши натижага эришиб, бир олам орзу-ниятлар билан ўстираётган фарзандларимиз камолини кўриб, кексайганда улар эъзозида бўлишдек бахтга эришармиз.

Мирзо Улуғбек туманидаги Бўз-2 массивида исми ғоятда гўзал «Баҳор айёми» деган бир ширкат бор, бу ширкатнинг Нодир Аҳмедович Мусин исмли донишманд раиси бор, сиз унга: ертўла қувурлари эскирган, улар бино қурилганидан бери янгиланган эмас, улардан сув оқиб ертўлани 15 сантиметр қалинликда сув босиб, унинг таги балчиқланган, десангиз, нима бўпти? дейди. Дарвоқе, бу гапида жон бор. Тўғри-да! Нима бўпти, бир ертўлани сув босган бўлса, у сувда ўрдак боқинг, ҳафтасига 8-10 та текин тухум олиб турасиз. Сувнинг таги балчиқланган бўлса балчиғини пакет-пакет сифатли ўғит сифатида пулласа ҳам бўлади. Бу балчиқлар экинзорларга солинса, унча-мунча эмас, катта-катта ҳосил олинади. Мана, қаранг: ҳозирнинг ўзида бир-иккита буғдой донаси ёриқ-тешик жойлардан униб чиқа бошлабди. Балчиқни қуруқроқ ерга сурилса, у ерда ток новдаларини кўкартирса ҳам бўлади, қарабсизки, кузда ўн-ўн беш кило узум ҳосилини олиш мумкин.

Кунлар исиб кетганда чивин кўпаяди, дейсизми, бунга ҳам чора топса бўлади: ертўла шифтининг бир бурчагига ин қуриб, қалдирғочга тухум бостирсангиз, улар ўзидан кўпайиб, чивиннинг на эркаги, на урғочисини битта қўймай қириб битказади. Шунга ҳам ота гўри қозихонами, индамай яшайвер, ертўладан сув оққани билан бино бузилармиди?

Кечалари оқаётган сувнинг овозидан ухлаб бўлмайди, дейсизми? Сувнинг овози табиат симфонияси-ку, одамлар сув овозини эшитиб ётиш учун дам олиш уйлари, курорт ва санаторийларга боришади. Сув овозидан зўр нарса борми?

Бўз-2 массивига қарашли 33а, 41-хонадонда Аъзамовлар оиласи туришади. Оила бошлиғи Миразиз Аъзамов бир кам саксонга кирган, афғон уруши қатнашчиси, 1-гуруҳ ногирони, оила аъзолари Қутлибека Раҳимбоева Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёши пайғамбар ёшидан ортиқ, ўғиллари Нажот Аъзамов институтнинг 3-курс талабаси, ўқишлари жуда қаттиқ интизомли, уй ишлари билан шуғулланишга мутлақо бўш вақти бўлмайди — улар ҳеч вақт ертўлага тушишмаган. Уларнинг ертўласи кўл бўлиб ётганини қўшнилар ва сантехниклар хабар беришди.

— Билмадим, нима қилиш мумкин? — деди ташвишланиб оила бошлиғи.

— Ширкат раисига ариза ёзинг, — дейишди қўшнилар. М.Аъзамов «Баҳор айёми» ширкати бошқаруви раиси Нодир Мусинга ариза ёзди.

ДОНО РАИС

Фельетон

Биз турган хонадон подвалида стояк оқава сув қувури чириганлиги туфайли ундан сув оқиб, бутун ертўлани суюқ балчиқ қоплабди. Шу стояк қувурини янгилашни таъминлашингизни сўрайман. 2015 йил 22 январь.

Аризани ширкат ҳисобчиси Азиза опа деган қабул қилиб олди ва «Бошқарув раиси ҳозир касал, аммо келаётган душанба куни масалани бошқарув йиғилишида кўриб чиқамиз, шароитга қараб, сантехникларга топшириқ берамиз», деди. Бироқ душанба куни ҳеч қандай хабар бўлмади.

Галдаги душанбада Аъзамов яна ширкат идорасига телефон қилди.

«Аризангиз эсимда, бугун кўрамиз» деди Азиза опа, аммо яна ҳеч қандай натижа бўлмади. Эртасига Аъзамов яна телефон қилди. Яна «Кўрамиз, кўрамиз» деган жавоб бўлди. Аммо яна ҳеч гап бўлгани йўқ.

Аъзамов маҳалла фаолларига, ўзи ширкатга бориб юролмасяиги, аммо телефонда берилган ваъда бажарилмаётганини айтиб, бу масалага аралашишларини илтимос қилди. Дилбар опа билан София опа деган фаоллар ариза нусхасини олиб бошқарув раиси ҳузурига кетишди ва бир-икки соатдан кейин Мусиннинг ёзма жавобини келтириб беришди.

Нодир Аҳмедович ўзбекча аризага русча жавоб қайтарганди:

«На вашу заявку от 22.01.2015 г.по вопросу тяги канализации довожу до Вашего сведения, что в вашей квартире нарушена предидушим владельцем Камаловим Ш. система канализации: била винесена мойка на балкон без соблюдение технических норм. В результате этого в подвале постоянно образуется подлор сточних вод. Вам необходимо восстановить проектную схему. 05.02.2015 г.

Бу жавобдан маҳалла фаоллари ёқа ушлашди. Чунки, биринчидан, сув оқаётган қувурга балконга чиқарилган мойканинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди: ертўлага сув оқизаётган қувурлар беш метр нарида эди. Иккинчидан, балконда қилинган ўзгаришлар тўла-тўкис қонуний эди.

Бош режада хонадоннинг ҳозирги ҳолати муҳандис С.Л.Сагдуллаев ва техник М.Х.Юсупова томонидан 08.01.2013 йилда кўриб чиқиб, қабул қилинган ва Мирзо Улуғбек туманининг катта муҳандиси Г.Х.Мансурова томонидан тасдиқланган.

— Бу Нодир Аҳмедович жуда фантазияси ўткир ва доно одам. Агар сиз лойиҳа схемаси бўйича тиклаш ишларини қилсангиз, ўша кун, ўша соатнинг ўзида бошқа бир сабаб ўйлаб топган бўларди, — деди Дилбар опа.

— Сизга берилган жавоб қуруқ расмият хатидан бошқа нарса эмас. Рус тилида буни отписка дейишади, — деди София опа.

Ширкат сантехниги Баҳром ака дейди:

— Мен «Нодир Аҳмедович! Ертўла бизга тегишлими? Ертўлада сув оқиб ётибди», дедим. «Менга нима?» дейди. «Бизга гап тегади, ахир!» десам, «Сенга нима?» дейди.

— Ана, доно эканми раисимиз? Ҳавасингиз келса, айтинглар, сизларга ҳам ажойиб маслаҳатлар бера олади!

Азиз ДАРХОН

* * *

ТАҲРИРИЯТДАН: «Оқшом» газетаси ходимлари фельетонда қайд этилган кўп қаватли уйда бўлиб, мавжуд аҳвол билан танишишди, яшовчилар билан суҳбатлашишди. Натижада келтирилган далиллар тасдиқланди.

Ўйлаймизки, «Баҳор айёми» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва бошқа мутасаддилар тез орада ушбу уйдаги камчиликларни бартараф этишади ва таҳририятимизга бу ҳақда хабар беришади.

Музаффар ЖУМАЕВ,
тадбиркор:

— Мен яқинда «Оқшом» газеталарида ёшларимизнинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоқи, миллатимизга хос бўлган маданиятимизни асрашга, шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қарорлар билан танишдим.

Назаримда фикр-мулоҳазага чорлайдиган ушбу қарорлар ёшларимиз тарбиясида жуда муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман. Чунки ёшларимиз, умид билан вояга етказаётган фарзандларимиз тарбиясидан вақтида огоҳ бўлмасак, эртага жабрини ўзимиз тортамиз.

Бизга қанча енгиллик, қулайлик яратилгани сари ота-оналар билиб-билмай болажонларимиз учун, хоҳ у кичик, хоҳ катта бўлсин нимани истаса шуни муҳайё қилиб хатога йўл қўймоқдамиз. «Тўқликка — шўхлик» шундан бошланишини ўйлаб кўрмаяпмиз.

Лекин бир нарса аниқ: бизнинг азалий қадриятларимизга кўра ота-она, катталарга беҳурматлик қилиш ярашмайди. Бу борада қарорда айтиб ўтилган беҳаёлик, шафқатсизлик, диний экстремизм шаклидаги ва маънавиятга зид бўлган мазмундаги диск, веб-сайт, фильм, ўйин, маълумот ва бошқа материалларнинг тақиқланиши, вояга етмаган ўқувчиларнинг кечки вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз интернет тармоқларидан фойдаланиш хоналари ва компьютер ўйингоҳларида бўлишлари, ушбу муассасаларнинг иш фаолиятининг соат 21.00 гача белгилаб қўйилгани жамоатчиликка маъқул бўлди.

Шу ўринда ушбу қарорлар чиққандан кейин айрим интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдасининг мазаси йўқ, қабилидаги гап-сўзлари қулоққа чалинаётгани ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Ҳамкасаба, таъбир жоиз бўлса сизни шундай атайман, фарзандларимизнинг тарбиясини бузадиган, эртага уларни ота-она, элу юрт юзини ерга қаратадиган тарзда вояга етишига ҳисса қўшадиган ушбу ишдан тушадиган фойдани айтяпсизми? Фойда — ҳалол бўлиши керак. Бундай «фойда» жамиятга зарар-ку. Зеро, сиз ҳам фарзанд ўстирасиз, эртага у кексайган чоғингизда тиргак бўлишга ярамаса, вояга етказгунча чеккан заҳматларингиз қадрига етмай, сизни бехижолат кўчада қолдирса, қандай бўлади? Мана шундай кунларнинг олдини олиш учун ҳам бугун уларни турли ёт ғоялардан асрашимиз, одоб-ахлоқли, андишали, фаросатли, юксак маънавиятли қилиб тарбиялашимиз керак.

Назаримда элу юртимиз омонлиги, фарзандлар бахту саодати бугун бизнинг уларга бераётган тўғри тарбиямизга жуда ҳам боғлиқ.

Азиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизматининг етакчи мутахассиси:

— Бугунги кун ёшлари билан ҳар қанча фахрлансак, ютуғу муваффақиятлари, беқиёс иқтидору имкониятларидан ғурурлансак арзийди. Лекин танганинг икки томони бўлганидек, бугун эътиборимизни қаратадиган, озгина ҳушёру огоҳ бўлмасак оқибати нохушликларга олиб келадиган жиҳатлар ҳам борки, беихтиёр ўйлаб қолади, киши.

Яқинда «Тошкент шаҳрида интернет тармоқлари ва компьютер орқали хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги шаҳар ҳокимининг қарорини ўқиб, жуда долзарб, вақтида қабул қилинибди, деб ўйладик. Тенгдошларим билан бу борада фикр-мулоҳаза юритдик. Чунки бугун интернет, телекоммуникация тизимлари ҳаётимизга янгиликлар, қулайликлар яратади. Бироқ шу билан бирга, бизга ёт маданиятни ҳам олиб келди. Айрим ёшларимизнинг катталарга беписандлик, ҳурматсизлик билан муомала қилишлари, жамоат жойларида, ёши катталар олдида ҳам беибо хатти-ҳаракатлар қилиб юришлари, оғзиларидан ножўя сўзлар чиқаётганидан, ҳатто уялишни хаёлларига келтирмасликлари ёки ота-она, устозларига гап қайтаришлари интернет тармоқларидан, ҳар турли бўлмағур фильмлардан кўриб ўрганаётганлари оқибатидир.

Шу ўринда азиз ёшлар, давлатимиз томонидан эртанги кунимизнинг ишончи, таянчи сизлар дея бизга катта эътибор, ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, биз ҳам шунга муносиб бўлайлик. Доимо миллатимизга хос одоб-ахлоқ, маданиятимизни асраб-авайлайлик. Бу ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз.

Сўранг, жавоб берамиз

Бир масала юзасидан давлат идорасига мурожаат этгандим. Мурожаатим қайдаражада кўриб чиқилаётгани ҳақида шу идорадан ахборот ёки бирор маълумот олиб туришга ҳақлиманми?

Ш. Бердиев,
Бектемир тумани

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддасига асосан:

Мурожаат давлат органлари томонидан кўриб чиқилаётганда фуқаро мурожаатнинг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборот олиш, важларни шахсан баён этиш ва изоҳлар бериш, мурожаатни текшириш материаллари, ҳамда кўриб чиқиш натижалари билан танишиш, қўшимча материаллар тақдим этиш ёки уларни бошқа органлардан сўраб олиш тўғрисида илтимос қилиш, адвокат ёки ўз вакилининг хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

«Мурожаатини кўриб чиқаётган давлат органларининг мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлашлари шарт», – деб белгилаб қўйилган.

Шу Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ: Фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат органи унга мурожаатни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида ва қабул қилинган Қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шарт.

Холида САИДОВА,
Сергели туманидаги
6-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Ярим ставкали иш ўрнига ишга қабул қилиндим. Бу ҳақда меҳнат дафтарчамга қайд этилиши керакми? Тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси қандай тартибда белгиланади.

Г. КЕНЖАЕВА,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 81-моддасига мувофиқ: Ишга қабул қилиш чоғида ходим ўз меҳнат дафтарчасини тақдим этганда, иш берувчи меҳнат дафтарчасини юритиши шарт. Меҳнат кодексининг 119 - моддаси, биринчи қисмига кўра, ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин. Ушбу шарт албатта, меҳнат шартномасида ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда кўрсатилиши керак.

Ишга қабул қилиш ҳақидаги ёзув амалда иш берувчининг буйруғидан қисқа кўчирма ҳисобланади. Унда ходим қандай таркибий бўлинмага ва қандай лавозимга қабул қилинганлиги кўрсатилиши керак. Айни шу ахборот буйруққа аниқ мувофиқ бўлиши керак. Шахсий таркиб бўйича буйруқдан бошқа маълумотлар ходимнинг меҳнат дафтарчасига киритилмайди. Меҳнат кодексининг 119-моддаси, учинчи қисмига асосан тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон-бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга муносиб равишда ҳақ тўланиши белгиланган.

Ҳусан КАЗАКБОЕВ,
Лада ЯНКО,
Яшнобод туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

Васият қолдирувчи ногиронлиги сабабли васиятномани имзолай олмаса, унинг ўрнига бошқа шахс имзо қўйиши мумкинми?

А.СУЛАЙМОНОВ,
Яшнобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1124-моддасига мувофиқ, ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ, васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганда васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилгани ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Фақат қонунда белгиланган баъзи шахсларнинг васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмас.

Арифходжа АГЗАМХОДЖАЕВ,
Ташмирза АҲМЕДОВ,
Сергели туманидаги ДНИ нотариуслари

* * *

Бошқа ишга ўтаётган эдим. Ҳозирги ишимдан бўшашдан аввал меҳнат таътилига чиқмоқчиман. Бундай ҳолатда меҳнат дафтарчамни қачон олишим керак? таътил олдиданми, ёки кейин ҳам олсам бўладими?

Х. МЕЙЛИЕВА,
Мирзо Улуғбек тумани

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 152-моддасига мувофиқ: Жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

Меҳнат кодекси 108-моддасининг талабларига асосан:

Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Шу тариқа, меҳнат дафтарчасини ходимга унинг таътили тугаган кунда бериши керак. Ушбу кун меҳнат шартномасини бекор қилиш куни бўлиб ҳисобланиши белгиланган.

Дилфуза АМИРОВА,
Учтепа туманидаги
4-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун белгиланган жарима қанча муддатда тўланиши керак? Жаримага тортилган шахс уни тўламай келаётган бўлса, мажбурий ундирув қандай тартибда амалга оширилади?

А.ШОДИЕВА,
Олмазор тумани

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 332-моддасига асосан:

Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб, 15 кундан кечиктирилмай тўланиши лозим. Агар сиз жарима тўғрисидаги қарор устидан шикоят билдирган тақдирингизда ва бундай қарор устидан шикоят берилган ёки у қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб 15 кундан кечиктирмай тўлов амалга оширилиши керак.

«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 333-моддасига биноан: Ҳуқуқбузар жаримани белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, жарима солиш тўғрисидаги қарор фуқаролик процессуал Қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган қоидаларга мувофиқ, жаримани унинг иш ҳақи ёки бошқа маошидан, нафақасидан ёки стипендиясидан мажбурий тартибда ундириб олиш учун юборилади.

Наргиза МИРСААТОВА,
Учтепа туманидаги 9-сонли ДНИ нотариуси

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 122-уйда жойлашган Давлат-тижорат Халқ банки Яккасарой филиали 210-шохобчасига Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан 2014 йил 5 декабрь куни берилган Бинолар, иншоотлар ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги TS 0066433-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

2015 йилнинг муҳтарам Президентимиз томонидан Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганлиги халқимизнинг нечоғли бағрикенг, олижаноблиги, миллий қадриятларимизга хос равишда, асрлар давомида нуронийларимизнинг доимо эъзозланиб келинаётганидан далолатдир.

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш мустақиллигимиз йилларида маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланди. Жорий йилда ҳам одатдагидек, 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан шаҳримизнинг бошқа туманлари қатори Яккасарой туманида ҳам кенг кўламли хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага ўз ҳиссасини қўшган ва фронт ортида меҳнат қилган уруш ва меҳнат фахрийлари «Маҳалла» жамоат фондининг туман бўлими томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Яккасарой туманида бугунги кунда II жаҳон уруши фахрийлари 49 нафар бўлиб, меҳнат фронти фахрийлари эса 296 нафарни ташкил этади. Куни кеча туман ҳокимлиги ходимларининг фахрийларимиз хонадонига ташрифи уюштирилиб, байрам билан табрикланди, ҳолларидан хабар олинди ҳамда уларга озиқ-овқат маҳсулотлари манзилли тарзда етказиб берилди. Байрам муносабати билан Муқимий номидаги мусиқали драма театрида хотин-қизлар ҳамда фахрийлар учун катта байрам тадбири уюштирилди. Уларга туман ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Баҳодир ЮСУПОВ,
Республика Маънавият тарғибот маркази Яккасарой туман бўлими раҳбари

Спорт янгиликлари

СПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШДИ

Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида регби бўйича ўтказилган «Asian Olympic Pre-Qualifier» халқаро турнирида муваффақиятли иштирок этган Ўзбекистон аёллар терма жамоаси бош совринни қўлга киритди.





Баҳсларда терма жамоамиз аъзолари Ҳиндистон (12:5), Жанубий Корея (22:7), Филиппин (17:5) ва Эрон (32:0) терма жамоаларини мағлуб этишди.

Финал учрашувида ҳиндистонлик регбичилар билан куч синашган ҳамюртларимиз якунда 38:0 ҳисобида ғалаба қозонишди ва бош совринни қўлга киритишди.

Энди вакилларимиз 2016 йили Бразилияда бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларининг йўлланмаси учун саралаш баҳсларида иштирок этишади. Саралаш баҳслари шу йилнинг ноябрь ойида Гонконг ва Токио шаҳарларида ўтказилади.

Абдулазиз МУСАЕВ

ГИМНАСТИКАЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Грециянинг Афина шаҳрида бадиий гимнастика бўйича ўтказилган «Aphrodite Cup – 2015» халқаро турнирида ўзбекистонлик гимнастикачилар муносиб иштирок этди.

Ўзбекистон гимнастика федерациясидан маълум қилишларича, мусобақанинг яккаликлар баҳсларида иштирок этган иқтидорли гимнастикачимиз Анора Давлатова тасмада машқ бажариш бўйича олтин, тўп ва ҳалқа билан машқ бажаришда икки кумуш медални қўлга киритди. Шунингдек, у кўпкурашда бронза медаль билан тақдирланди.

Яна бир спортчимиз Равиля Фархутдинованинг ҳалқада бажарган машқлари олтин, булава билан намойиш этган композицияси кумуш медалга лойиқ топилди.

Гуруҳ баҳсларида қатнашган гимнастикачилар Марта Ростобурова, Самира Амирова, Валерия Давидова, Луиза Ғаниева ва Зарина Қурбоновадан иборат жамоамиз кўпкураш баҳсларида биринчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимизда шахмат бўйича «Tashkent March Round Robin» халқаро турнири бўлиб ўтди. Унда юртимиз «ақл гимнастикаси» усталари билан бирга Россия, Беларусь, Украина ва Тожикистондан келган шахматчилар ғолиблик учун баҳслашди.

СЕВАРА — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ

Тўққиз турдан иборат мусобақада иқтидорли шахматчимиз Севара Боймуродова украиналик Виктор Дмитриенко, тожикистонлик Соҳиб Жўраев, беларуслик Станислав Цихончук, жамоадоши Баҳора Абдусатторова ва россиялик Аркадий Вулни мағлубиятга учратиб, ҳамюртларимиз Владимир Егин ва Ҳулкар Тоҳиржонова билан дуранг ўйнади. Шу тариқа, Севара тўққиз имкониятдан 6 очко жамғариб, халқаро турнир ғолибаси бўлди ва халқаро гроссмейстерлик меъёрини бажарди.

Турнир давомида бирон марта мағлубиятга учрамаган ягона шахматчи Владимир Егин икки ғалаба ва етти дуранг натижа билан 5,5 очко жамғариб, иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, тўққиз турнинг бештасида ғалаба ва биттасида дуранг натижа қайд этган Гулруҳбегим Тоҳиржонова қўшимча кўрсаткичлар бўйича учинчи ўринни эгаллади.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ МЕДАЛЛАРИ

Доҳа шаҳрида таэквондо (WTF) бўйича давом этаётган Қатар очиқ чемпионатида ҳамюртларимиз ҳозиргача ўн олтин, олти кумуш, беш бронза медални қўлга киритди.

Болалар, ўсмирлар ва кадетлар ўртасидаги баҳсларда Улуғбек Рашидов, Исломжон Адҳамов, Шаҳбоз Шофайзиев олтин, Шаҳзод Жўраев, Ҳожиакбар Зокиров кумуш, Жамшидбек Абдусаломов ва Аббос Алиқулов бронза медаль билан тақдирланди.

Қизлар ўртасида Нигора Турсунқулова ўзвазн тоифасида қатарлик Ало Абдулмоизни, ливанлик Вард Салмонни ҳамда қатарлик Ниам Коноллини мағлубиятга учратиб шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Ўзбекистон ёшлар жамоаси мураббийси Абдувоҳид Раҳимов халқаро турнирнинг энг яхши мураббийси, деб топилди.

(ЎзА)

Божхона

ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР АНИҚЛАНМОҚДА

Республикамизнинг чегара божхона постлари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали чиқиб кетаётган шахслар валюта назоратидан ўтказилади.

Амалдаги тартибларга мувофиқ, божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахслар томонидан тўлдириладиган йўловчи божхона декларациясида Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий ва чет эл валютаси, бошқа валюта бойликлари ҳамда қимматбаҳо буюмларнинг мавжудлиги ҳамда миқдори кўрсатилиши шарт.

Афсуски, мазкур тартибларга риоя қилмасдан нақд хорижий валюталарни ноқонуний равишда олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатлари учраб турибди. Рақамларга мурожаат қилсак, 2014 йилда республикамиз божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идора вакиллари билан ҳамкорликда 781 та божхона қоидабузарликлари аниқланиб, салкам 3,4 млрд. сўм эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жумладан, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳамда «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан «Тошкент-Москва» йўналишидаги поезд йўловчиси бухоролик А.Муҳамедованинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) ноқонуний хатти-ҳаракатига чек қўйилди. Аниқланишича, ушбу шахс йўловчи божхона декларациясида қайд этмасдан туриб, қўл юклари орасига 5700 АҚШ долларини яширганча олиб чиқишга уринган.

«Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари ҳам нақд хорижий валюталарнинг ноқонуний олиб ўтилишига оид бир нечта қонунбузарлик ҳолатларини фош этишди. Самарқандлик Р.Мадраҳимовнинг Истамбулга парвози бир оз кечикди. Боиси, у йўловчи божхона декларациясида қайд этган 2000 АҚШ долларидан ташқари, божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида маълум қилмасдан туриб, 5000 АҚШ долларини чўнтагига солганча, бамайлихотир чиқиб кетишга уринган.

«Тошкент-Франкфурт» рейси бўйича парвозга шайланган И.Коенов ҳам «уддабурон» чиқиб қолди. Холислар иштирокида ушбу шахс шахсий кўрикдан ўтказилганда, чарм курткасининг ички қисмига ҳамён моҳирлик билан яширилганлиги фош бўлди. Ҳамёнда эса йўловчи божхона декларациясида қайд қилинмаган ва табиийки, яширинча олиб чиқиш учун кўзланган 5900 евро борлиги аниқланди.

Шунингдек, божхоначилар хитойлик Ю.Хан томонидан 11300 АҚШ долларининг қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетилишининг олдини олишди. «Тошкент-Урумчи» рейси бўйича парвоз олдидан ушбу хорижий фуқарога тегишли юклар божхона кўригидан ўтказилганда, мазкур нақд хорижий валюталарнинг юклар орасига яшириб қўйилганлиги аён бўлди.

Қаршилик Л.Норқулова ҳам Москвага учиш олдидан таваккалга қўл урди. Амалдаги тартибларга зид равишда нақд хорижий валюталарни олиб чиқишнинг гўёки теша тегмаган усулини қўллади. Яъни, белидаги камари орасига 13070 АҚШ долларини устамонлик билан беркитиб олди. Аммо, божхоначилар қаршисида безовталаниши, унинг «иситма»сини фош қилиб қўйди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Эслатиб ўтамиз, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги нақд хорижий валюталарни йўловчи божхона декларациясида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиб кетишларига рухсат этилади. Бундан ортиқ миқдордаги нақд валюталарни олиб чиқиш учун эса ваколатли банклар ёки Марказий банкнинг ўрнатилган тартибдаги рухсатномаси талаб этилиши белгиланган.

Норезидентларга эса Ўзбекистонга кириб келаётганда ўзи билан олиб келган ҳамда божхонага тақдим этилган йўловчи божхона декларациясида қайд этилган миқдордаги хорижий валютани олиб чиқишларига рухсат берилган.

Хусен ТАНГРИЕВ,
Давлат божхона қўмитаси
Ахборот хизматининг катта инспектори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент молия институти 2014-2015 ўқув йилига **«Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», «Ўзбекистон тарихи»** кафедраси мудирлари ва қуйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант): **«Чет тиллари»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Банк иши»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Банк ҳисоби ва аудит»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Ўзбек ва рус тиллари»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Жисмоний маданият ва спорт»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Менежмент ва маркетинг»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Молия»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Пенсия иши»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Баҳолаш иши ва инвестициялар»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Ўзбекистон тарихи»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Молиявий таҳлил»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Информацион-коммуникацион технологиялар»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Солиқлар ва солиққа тортиш»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Иқтисодиёт назарияси»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Касбий таълим»** доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Бухгалтерия ҳисоби»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Аудит»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Минтақавий иқтисодиёт»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Бизнес ва тадбиркорлик»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Бюджет ҳисоби»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Суғурта иши»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Олий ва амалий математика»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент);**«Статистика»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент); **«Молиявий менежмент»** профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда бўлган, чет тили ва компьютер техникасини мукаммал ўзлаштирган, илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати – эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, А.Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

Тел. 234-83-99,
959-33-79 **Ректорат**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муассислигида нашр этиладиган «Hamshira» журнали таҳририяти журнални чоп этиш учун тендер савдосини эълон қилади ва бунинг учун савдода иштирок этиш ваколатига эга бўлган ҳар бир ташкилотга ўзининг тендер таклифини шу йилнинг 23 март куни соат 18.00 дан кечиктирмай тақдим этишга

таклиф этади!

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 502-хона.

Қўшимча маълумот учун тел: (0-371) 233-53-37.

Якка тартибда уй-жой қуриш учун ер олувчилар диққатига!

Фуқаролар ўзининг шахсий мулкида бўлган кўп қаватли уйлардаги хонадонларини туман ҳокимликлари ихтиёрига топшириш эвазига Тошкент шаҳрининг Олмазор, Яшнобод, Сергели, Мирзо Улуғбек, Бектемир туманларида якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари олишлари мумкин.

Мурожаат учун телефон: (+99895) 193-03-13.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **12 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража совуқ, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **12 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9251

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 16.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ